



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
27 август
ЧОРШАНБА
№ 67
(12.078)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шувратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқ-

парварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон – "Олтин юлдуз" медали топширилсин:
Абдуллаева Сиёсатхон – Олтинқул туманидаги "Олтинқул водий гулшани" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти
Баҳромов Исахан Насирович – Ангор туманидаги "Саидно-

сирхон" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти
Каримов Эгамберган Каримович – Урганч автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи директори, Хоразм вилояти
Сойибов Фархат Яхшиевич – Навоий кон-металлургия ком-

бинати Марказий кон бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг цех бошлиғи
Хожаниязов Гайратдин – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, археология ва этнография институтининг археология бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2008 йил 26 август.




Абдуллаева
Сиёсатхон




Баҳромов Исахан
Насирович



Каримов Эгамберган
Каримович



Сойибов Фархат
Яхшиевич



Хожаниязов
Гайратдин

ҚИБРАЙ туманида энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган уч авлод учрашуви бўлиб ўтди.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этган ушбу тадбирда фахрийлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.
"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А. Алимов, Республика маънавият тарбиот маркази раҳбари М. Хожиматов ва бошқарув Президентининг Ислам Каримов раҳнамолигида фахрийлар ва ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилган таъкидланди.
Ёши улуг отахон ва онахонларимиз жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилик қобилияти, камтарлиги билан ёшларга намуна бўлмоқда. Ёшларни

Ватанга муҳаббат ва садоқат, буюк келажакка ишонч руҳида тарбиялашда нуруни отахон ва мунис онахонларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси ва билими қўл келмоқда.
"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур учрашувда ёш авлод онгига истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларимизнинг мазмун-моҳияти ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини чуқур синдириш зарурлигига эътибор қаратилди.
Тадбирда фахрийлар ва ёшларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.
Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА муҳбири.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ бир қатор юртдошларимиз Ватанимиз юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.
Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини

юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун мукофотланганлар орасида вилоятимиз вакиласи ҳам бор. Чирчиқ шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси **Умида Камоловна Дадахўжаева** "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди. Биз уни чин дилдан табриқлаймиз ва келгуси ишларида омад тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2008 йил 28 август кuni эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 27 август кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинди.

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ БАХТИ

Ўзбекистон XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олди

Юртимизда Истиқлол байрами насимлари кезиб юрган шу шуқулли қўнларда Ўзбекистон спортчилари XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, мустақил юртимиз шухрати шухрат қўшгани барчамизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Жаҳоннинг 204 мамлаката вакиллари иштирок этган мазкур халқаро спорт анжуманида спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Улар бир олтин, 2 кумуш, 3 бронза медални қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтди. 26 август кuni Тошкент аэропортида Пекин Олимпиадаси совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлди.
Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимиз спорт жамоатчилиги вакил-

муваффақиятлари замирида, аввало, юртимиз мустақиллиги ва Президентимиз Ислам Каримов томонидан мазкур соҳа ривожига қаратилган улкан эътибор ва ғамхўрлик муҳассам. Айнан истиқлол шарафати билан, ҳаётнинг барча жабхаларида бўлганидек, спортни ҳам жадал ривожлантириш, ўзбек спортчиларининг нуфузи халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш имкони яратилди.
Юртбошимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки қўнлариданоқ мамлакатимизда эркин демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қўллаб-қувватлаш вақтларни ҳал этишга қодир, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуқ, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни воёга етказиш юксак мақсад этиб белгиланганди.

(Давоми 4-бетда).



СУРАТДА: кутиб олиш пайти.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотда "Яшил лойиҳа: Афинадан Пекингача энергетик йўллар – 2008" лойиҳаси иштирокчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

2008 йил – Олимпиада ўйинлари ва Хитойда Греция маданияти йили бўлгани муносабати билан

ГРЕЦИЯЛИКЛАРНИНГ ПАРКЕНТГА ТАШРИФИ

"Яшил лойиҳа" қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш, Олимпиада ўйинларининг азалий тамойилларидан ҳисобланган халқаро дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларини қамай-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ПЕКИН ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН СПОРТЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲНИНГ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга, мамлакатимизда истеъдодли ёш спортчиларни тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Тангриев Абдулло Тошқарович – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Хилько Екаторина Викторовна – Трampoline бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Григорьев Борис Иванович – Марказий ҳарбий спорт клубининг дзюдо бўйича мураббийи

Мамадалиев Шухрат Нематович – Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббийи

Пятаев Владимир Евгеньевич – Яққама-яққа кураш бўйича олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийи

Рузиев Ахрорджан Ахмедович

– Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Федоренчик Елена Николаевна – Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Меньков Вадим Юрьевич – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини талабаси

Собиров Ришод Рашидович – Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тигиев Сослан Вазноевич – "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти спортчи-йўриқчиси

Фокин Антон Викторович – Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шувратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2008 йил 25 август.

ни ҳар томонлама баркамол этиб воёга етказишдаги хизматлари учун қуйидагиларга мукофотлансин:

«Буюк хизматлари учун» ордени билан Таймазов Артур Борисович – "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти спортчи-йўриқчиси

«Меҳнат шухрати» ордени билан Абаева Елена Алексеевна – Ўзбекистон терма жамоаси шифокори

Джақилқов Нурлан Ибрагимович – Яққама-яққа кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббийи

Штурбабин Андрей Анатольевич – Яққама-яққа кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўлими бош мураббийи

«Шухрат» медали билан Мансуров Дильшод Исматович – "Ёшлик" кўнглили спорт жамиятининг мураббийи

Шарипов Мирали Бешимович – Чирчиқ Олимпиада захиралари коллежининг мураббийи

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2008 йил 25 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОИ

ПЕКИН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН 2008 ЙИЛГИ XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИ ВА ҚАТНАШЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пекин шаҳрида 2008 йилги XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг хизматларини, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга, республикада болалар ва ўсмирлар спортининг оммавийлигини янада ўстиришга қўшган ҳиссасини муносиб баҳолаш, ўсиб келаётган ёш авлод онгига ўз Ватанидан гурурлини ва унга муҳаббат, атоқли спортчиларимизнинг янгидан-янги спорт қўққуларини ишғол қилиш намунасида ибрат олишга интилиш қўл-туялларини мустаҳкамлаш мақсадиди:

1. Ўзбекистон хомийлари, хўжалик юритувчи субъектлари ва жамоатчилигининг Пекин шаҳридаги XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг голиблари, совриндорлари ва қатнашчиларига бир йўла бериладиган мукофотларни қуйидаги миқдорларда белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

олтин медал соҳибига – 200,0 миң доллар, шу жумладан хомийлар маблағлари ҳисобидан 100,0 миң доллар;
кумуш медал соҳибига – 100,0 миң доллар, шу жумладан хомийлар маблағлари ҳисобидан 50,0 миң доллар;
бронза медали соҳибига – 50,0 миң доллар, шу жумладан хомийлар маблағлари ҳисобидан 25,0 миң доллар;

бошқа қатнашчи-спортчиларга – хомийларнинг маблағлари ҳисобидан 2,0 миң доллардан.

2. Белгилансинки, XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари ва қатнашчилари бўлган спортчиларга пул мукофотлари Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада – жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда банкда очиладиган депозит валюта ҳисобва-

рақларидан солиқлар ундирилмаган ҳолда АҚШ долларида тўланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой мuddатда, заруратни ҳисобга олган ҳолда, ёзги Олимпиада ўйинларининг совриндорлари бўлган спортчиларнинг уй-жай-маиший шароитларини яхшилаш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Лондон шаҳрида ўтказиладиган 2012 йилги XXX ёзги Олимпиада ўйинларига спортчиларни тайёрлашни ташкил қилиш ва тақомиллаштириш бўйича Республика комиссиясини тuzсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри, 2008 йил 25 август.

Хурида НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

легиацияси Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли "Физика-Кўёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтига экспедиция уюштириб, у ерда олиб борилган илмий ишлар билан танишди.

Август кенгашлари

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Ёш авлодни ҳар томонлама етув ва баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида юртимизда халқ таълими тизимини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилади. Зеро, мамлакат келажаги фарзандлари-

мизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Ўртачирчиқ туманида бўлиб ўтган вилоят халқ таълими ходимларининг аънанавий август кенгашида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди.

янги ўқув йилида таълим сифатини оширишга доир бир қатор услубий қўлланмаларни ишлаб чиқдик.

Анжуманда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари тақдироти ҳам ўтказилди. Янги ўқув йилидан бошлаб ушбу китоб дарслик сифатида ўқитиладиган бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида ўтказилган бу анжуманда ўтган ўқув йили натижалари сарҳисоб қилинди, янги вазифалар белгилаб олинди, — дейди Юрчиричиқ тумани 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Сауле Пулатова. — Бугунги кунда таълим сифатини оширишда замонавий услублар жуда муҳим аҳамият касб этади.

Янги 2008-2009 ўқув йили «Ижодий мухитни ривожлантириш йили» деб номланди, — дейди Ўртачирчиқ тумани 34-мактаб ўқитувчиси Муборак Саидолимова. — Ўқувчилар ўртасида ижодий мухитни шакллантириш ва уни ривожлантириш бугунги таълим тизимининг энг долзарб вазифаси саналади. Анжуманда бу борада махсус тавсиялар тақдироти ўтказилгани айтиш мумкин.

Кенгашда таълим тизимида олиб борилаётган туб ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим-тарбия самардорлигини кўтариш юзасидан янги ўқув йилида амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Улугбек ҲАМРОКУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Анжуманда вилоят фаоллари, халқ таълими вакиллари иштирок этдилар. Кенгашни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Юнус Шарипов бошқарди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» ҳамда «2008-2012 йилларда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самардорлигини янги сифат даражасига кўтариш буйича чора-тадбирлар дастури»да белгиланган вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Бу гагли август кенгаши "Ўқув-тарбия" самардорлигини ошириш — бизнинг асосий мақсади-миз" шиори остида ташкил этилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси услубот маркази раҳбари Феруза Олимова. — Шу муносабат билан



радорлигини ошириш — бизнинг асосий мақсади-миз" шиори остида ташкил этилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси услубот маркази раҳбари Феруза Олимова. — Шу муносабат билан

КАМОЛОТНИНГ 17 ТУҲФАСИ

"КАМОЛОТ" ёшлар ижтимоий ҳаракати мустақиллигининг 17 йиллик байрамига "Камолот" сардорларининг 17 туҳфаси" янги лойиҳасини режалаштирди.

У байрамни ёшлар орасида кенг нишонлаш мақсадида яратилди, уларда ватанпарварлик, она Ватанга муҳаббат туйғусини юксалтириш, доқайлик ва бепарволик каби усурларни йўқотиш билан биргалликда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ривожлантиришга қаратилган.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида ташкил этилган матбуот анжуманида "Камолот" сардорларининг 17 туҳфаси" лойиҳаси тақдироти бўлди. Унда лойиҳанинг ҳар бир йўналишига алоҳида тўхталиб, мақсад ва вазифаси ҳақида маълумот берилди.

Лойиҳада "Икки авлод учрашуви", "Сузни асрайлик, ёшлар", "Аблочи ўқувчилар анжумани", "Менинг Ватаним", "Ёшларга маслаҳат", "Қарияларга кумак", "Юдуз билан учрашув", "Шахмат-шашка фестивали" каби бугунги кунда долзарб санаган йўналишлар бор. Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг барча саволларига "Камолот" фаоллари батафсил жавоб берди.

"Камолот" сардорларининг 17 туҳфаси" 20 августдан 6 сентябрга қадар вилоятимизнинг барча тумани ва шаҳарларида ўтказилади.

Мурувват

ВИЛОЯТ ҳокимлигида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Россия Федерацияси элчихонаси, "Medlife Farma" маркази, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида вилоятимизнинг 150 нафар қандли диабет билан касалланган бемор болалари учун глюкометр аппарати ва инсулин моддасини топшириш хайрия акцияси ташкил этилди.

ЎЗЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШАДИ

Бундай тадбирлар вилоятимизда тез-тез уюштирилмоқда, — дейди "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раҳбари Гулсанам Ваҳобова. — Аҳамиятли жиҳати шундаки, эндиликда ушбу аппаратни олган ҳар бир бола ўз қони таркибидан

ги қанд миқдорини уй шароитида ўзи аниқлаш имкониятига эга бўлади. — Мен Чиноз туманидан келдим, — дейди уч фарзанднинг онаси Сайёра Болтаева. — Бугунги тақдиротдан жуда миннатдорман. Фарзандларимнинг соғлиқларини мустаҳкамлашда бу аппа-

рат жуда катта ёрдам беради. Гарчи қандли диабет касали бугунги кунда тўлиқ даволанмас-да, "Инсулин" моддаси ёрдамида бу касалликни назоратда ушлаб туриш мумкин.

Учун ҲАМДАМОВ.

Банк ва миқоз

ХАЛҚ банкининг Оққўрғон туман филиали жамоаси "Банк ва миқоз" дастури доирасида ҳамда республика Президентининг "Аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда омонатлар сир сақлашини кафолатлаш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида кенг қамровли ишларни олиб бораётир.

АҲОЛИ УЛАРГА ИШОНАДИ

Банк тасарруфида 12 та касса-шахобчалари бўлиб, улар туман меҳнатқашларига пешма-пеш хизмат кўрсатмоқда. Ҳўжалик юритувчи субъектларга, корхона ва ташкилотларга, фермер ва тадбиркорларга ойлик ўш ҳақлари вақтида тўланапти. Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳамда нақд пул тушумини кўпайтириш буйича Марказий банк томонидан берилган режа-топшириқларнинг ойма-ой бажарилаётгани, савдо, коммунал тўловларининг тўхтовсиз қабул қилинаётгани ҳамда омонатчиларнинг кўпайиши банкда пул айланмасини барқарорлаштирмоқда.

Банк хизматчилари энг аввало пенсия ва болалар нафақаларини, моддий ёрдам пулларини шахобчалар орқали аҳолига вақтида етказиб бериш имконига эга бўлмоқдалар. Кредитлар ва миқозларга молиявий хизмат кўрсатиш эвазига туман банки шу йилнинг 1 август ҳолатига 188 миллион 414 минг сўмдан ортик соф даромадга эришди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 81 миллион сўм кўпдир. Кредитлар миқдори ҳам салмоқли бўлмоқда. Ёшлар йили муносабати билан 13 та ўш оилага 67 миллион 718 минг сўм миқдорига истеъмол кредити ҳамда 52 миллион сўм ипотека кредити, савдо соҳаси учун 161

миллион 200 минг сўм, чорва моллари сотиб олишга 210 миллион сўм, паррандачиликни ривожлантириш учун 75 миллион 879 минг сўм, қишлоқ ҳўжалик техникаларини сотиб олиш мақсади-ларига эса 515 миллион сўмдан ортик-кредитлар берилганлиги фикримиз-нинг далилидир. Ажратилган бошқа кредит турларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда миқозларга жами 1 миллиард 152 миллион 568 минг сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Миқозларга қулайлик яратиш мақса-дида ўндан ортик омонат турлари жорий этилди. Йиллик даромади 18 фоиз-гача бўлган "Матонат", "Фарзанд кела-жаги", "Маҳалла фидойилари", "Даромад плюс", "Барқарор", "Тақдим этувчи", "Таътил" сингари ҳамда йиллик 17 фоизли "Афзал", "Маржон", "Фидокор" каби омонат турларининг очилганлиги миқозларнинг қизиқсини оширмоқда. Бунинг натижасида эса миқозларнинг банкка бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда.

Айни пайтда Халқ банки миқозлари "Вестерн Юнион", "Контакт" ва "Юнис-трём" сингари халқаро пул ўтказмалари-дан ҳам бемалол фойдаланмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, Халқ банки жамоаси хизматидан кўпчилик хурсанд.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.



ҲАЁТГА МУСТАҚИЛ ҚАДАМ

касб-ҳунар коллежларидан бошланади

Вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси таълим муассасалари ходимларининг аънанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Анжуманда коллеж раҳбарлари, бир қатор фаол педагог-ҳодимлар иштирок этти.

Маърузачилар тизимда амалга оширилаётган ислохотлар янада жадаллашиб,

бунга жавобан ёшлар барча соҳаларда ўз иқтидорларини намоян эътиборлари билан таъкидлашди. Бу йил вилоятимизда 12 та янги коллеж қурилди, иккита коллеж реконструкция қилинди. Бу ишларга давлат бюджетидан 32,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, Германия, Япония, Польша давлатлари гранти ҳисоби-дан 13 та касб-ҳунар кол-

лежи энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Хозир бу муассасаларда 10 йўналишда жами 144 турда қишлоқ мутахассислар тайёрланаётир. Қолаверса, янги ўқув йилидан 11 та янги таълим йўналишлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Тадбир сўнггида бир қатор педагог жамоалар ҳамда фидойи ўқитувчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Аънанавий август кенгашида вилоят хокими ўрин-босари Содик Абдуллаев

иштирок этди.

Хасанбой СЎАДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: август кенгашларидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



ТОШКЕНТДА Республика меҳнат-бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакилиги билан аҳолини бандлигини таъминлаш, ногирон фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш доирасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

ҲАМКОРЛИҚДА ЛОЙИҲА

Лойиҳанинг асосий мақсади, ногирон кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш, кенг жамоатчилик фикрини ногиронликка қараш ва муносабатларини ўзгартириш, бу борада амалдаги қонулар ижросини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Лойиҳа дастлаб 2008 йилдан 2010 йилгача муддатда Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида амалиётга таъбиқ қилинади. Бунинг учун 415 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилади.

"Туркистон-пресс".

ОМОНАТ СОЛИҚҚА ТОРТИЛМАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗ банк-молия соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис уларнинг молиявий барқарорлиги тобора мустаҳкам-

ланмоқда. Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва эркинлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар бунда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда юртимизда ўттизга яқин банк фаолият юритаётир. Жойларда тижорат банкларининг саккиз миңдан ортик филиали ва бўлинмалари миқозлар хизматидан фойдаланиш учун пул маблағларини бир неча банкдаги ҳисобварақларида сақлаш ва ўш маблағларини, қарбда жойлашганидан қарбта назар, банкнинг исталган филиалидан олиш ҳуқуқига эга.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 20 февралда "Тижорат банкларига аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинганидан сўнг банкларнинг аҳолига хизмат кўрсатиши янада яхшиланиб, аҳолининг банк хизматлари, хусусан, омонатларга бўлган қизиқиши янада ўша бошлади.

Зеро, мазкур ҳужжатда аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни муттасил рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Банклар жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, улар буйича амалга ошири-

ладиган операциялар ҳусу-сида банк сирини сақлашни-ни кафолатлаш шартлиги алоҳида қайд этилган. Банк сирини ҳисобланган маълумотларни ноқонуний ошкор этгани ёки унинг шахсга бергани учун айбдор деб топилган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда жавобгар-ликка тортилди.

Маблағлар нақд пул шак-лида ҳам, омонатчиларнинг хоржилик банкларидан шах-сий ҳисобварақларидан пул ўтказиш йўли билан ҳам қўйилиши мумкин. Бунда нафақат қўйилмадан маб-лағларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги декларация, балки бошқа ҳужжатларни тақдим этиш ҳам талаб қилинмайди. Уларнинг учин-чи шахслар томонидан сўраб олиниши, сурштири-лиши қатъий тақиқланган.

Хозирги кунда омонатлар-ни қабул қилиб олаётган ва сақлаётган банклар миқоз-ларининг биринчи талаби-даёқ уларнинг ҳисобварақ-ларидаги маблағларни ҳеч қандай тўхтовсиз берилиши таъминламоқда. Бу бора-да муаммога ўрин қолмас-лиги учун аҳолининг банк-лардаги омонатларини ка-фолатлаш фонди ташкил этилган.

Норгул АБДУРАИМОВА, УзА мухбири.



Ўқувчи учун МУКОФОТ



ВАШИНГТОНДАГИ айрим мактабларда хулқи яхши ўқувчиларни молиявий рағбатлантириш тизими жорий этилди.

ЭНГ ЙИРИК ОРОМҒОҲ

Германияда Шимолий Европада энг йирик оромгоҳ қуриш режалаштирилмоқда.

Хабарларга қараганда, мазкур дам олиш масканини барпо этиш учун 733 миллион евро миқдорига маблағ сарфланади. Лойиҳа кура, ҳудуди 170 гектар майдонда меҳмонхоналар, голф майдончалари, стадион ва савдо марказлари қурилади.

АҚШнинг "Prime Income Asset Management" ҳамда Германиянинг "Port Orpenitz" қурилиш компаниялари ҳамкорлигида барпо этиладиган мазкур оромгоҳ 2012 йилда ишга туширилиши кутилмоқда.

АНТИҚА ХОСИЯТ

ИСРОИЛЛИК олимлар ажинни йўқотувчи ёстиқ кашф қилди.



Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга қўра, мис симдан тўқилган мазкур ёстиққа бош қўйиб улган одамнинг юзидан ажин кета бошлайди.

ИЛДИЗ — УЧ МИЛЛИОН ЮАН

ХИТӨЙНИНГ Цзяньинь вилоятида ўтказилган қишлоқ савдоида шифобахш жоншен ўсимлигининг уч юз йиллик илдииз уч миллион юанга (400 минг АҚШ доллари) сотилди.

Хабарларга қараганда, узунлиги қарийб 1,5 метр, оғирлиги 366 грамм ушбу илдииз Чанбайшан тоғидан топилган.

Мутахассисларнинг сўзларига қўра, жоншендан таби-бат олвимида кўп асрлардан бундан ортик сифатида фойдаланилади. У тоқилса, таносил, инчак ва асаб касалликларини даволаш учун ишлатилади.

УзА мухбири.

БОЗОР НАРХИДАН АРЗОН

МУСТАҚИЛЛИК байрами арафасида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг "Ишчи таъминоти" шўба корхонаси темирўйчиларни турли хил сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида савдо расталари ташкил этди.

Бозор нархидан анча арзон қишлоқ ҳўжалик, чорвачилик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари савдо-сидан кўпчилик мамун бўлмоқда.

Савдо дўконларини сар-

АМАЛИЁТГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

ТОШКЕНТ молия институтига бу йил имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинган талабалар орасида Ғузэл Абдурахмонова ҳам бор.

Бўка туманидаги 53-умумтаълим мактабини аъло баҳолар билан битирган бу иқтидорли толи-ба "Келажақ овози — 2007" республика кўрик-танловида иштирок этиб, голибликни қўлга киритган эди.

"Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар" номинацияси совриндори бўлган бу қизнинг "Қизлар — ҳўнармандлар" деган лойиҳа мутахассислар томонидан маъ-қуланиб, Бўка тумани шароитида амалиётга тавсия қилинди.

НУРХОНАДА ЯНГИ ЦЕХ

ИССИҚЛИК электр энергиясидан саноятда ҳамда коммунал-маиший эҳтиёжлар учун кенг фойдаланилмоқда.

"Янги-Ангрен" иссиқлик электр станциясида ишлаб чиқарилаётган қувватларга ҳам эҳтиёж ортиб бормоқда. Ушбу нурхонани техникавий қайта жиҳозлаш жараёнида қатор янги унвасткалар бунёд этилди.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядор-лик компаниясидан маълум қилишларича, станция ҳузур-ида шлакоблок цехи қурилди. Бу ерда ишлаб чиқариладиган гиштарга нурхонналардан буюртмалар олина бошланди.

Ақбар АЛИЕВ.


АНГРЕН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Ж а м о а с и

*барча юрtdошларимизни
энг улуғ, энг азиз байрам —*

*Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
17 йиллиги
билан самимий қутлайди.*

*Истиқлол туфайли жаҳон
ҳамжамиятида ўз нуфузига,
нурли йўли ва келажагига эга бўлган
давлатимизнинг шуҳрати
бундан-да буюк, салоҳиятли бўлсин!*



ОЛМАЛИҚ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Ж а м о а с и

*барча ватандошларимиз,
хусусан вилоят аҳлини
улуғ байрам —*

**Мустақилликнинг
17 йиллик**

*шодиёнаси билан
муборакбод этади.
Ҳар бир хонадонга
қут-барака,
хотиржамлик ва
бахт-саодат тилайди.*



«ШАХЛО-ШУҲРАТ»

хусусий ишлаб чиқариш корхонаси

*азиз ҳамюртларимизни
республикамиз
Мустақиллигининг
17 йиллиги*

билан чин дилдан табриклайди.

*Шу озода заминда умргузаронлик қилаётган
меҳр-оқибатли, бағрикенг ва саховатли
инсонларнинг эл фаровонлиги ва
равнақи йўлидаги хизматларида
улкан ютуқлар тилаймиз.*

Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!

